Ушбу сонда:
2 *Конституциямиз яшамоқда, амал қилмоқда* ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ
3 TV-ДАСТУРИ
4 *Мустақиллик нашидаси* ТЎЙГА ТАЙЁРГАРЛИК КАТТА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 21 август, шанба № 116 (763)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 20 август куни Оқсарой қароргоҳида Саудия Арабистони Подшоҳлиги савдо вазири Усама Жаъфар Фақиҳни қабул қилди.**

Ислом оламининг маркази бўлган Саудия Арабистони Ўзбекистон аҳлига яхши маълум. Ўзбекистон бу давлат билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор. Айни пайтга қадар ўзаро муносабатларда бирор муаммо йўқлигини, аксинча, ўзаро ҳамкорликни янада юқори даражага олиб чиқиш учун имкониятлар кўплигини алоҳида таъкидлаш жоиз, деди Президент Ислом Каримов суҳбат чоғида.

Дарҳақиқат, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Бунинг тасдиғи сифатида подшоҳлик делегациясининг юртимизга мазкур ташрифи чоғида Ўзбекистон «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси билан Саудия Арабистонининг «Доруссалом групп» компанияси ўртасида эришилган келишувни келтириш мумкин. Ушбу келишувга мувофиқ, томонлар биргаликда қиймати 500 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳани амалга оширади.

Учрашувда Усама Жаъфар Фақиҳ Ўзбекистонга сафари самарали кечаётганидан мамнуният изҳор этиб, самимий қабул учун Президентга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

(ЎзА)



**Суратда: қабул пайти А.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга

**Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,**

Жонажон мамлакатимизни жаҳон ҳамжамиятининг фаол ва обрўли аъзосига айлантираётган, Ватанимиз фуқаролари учун тенг ва эркин ҳаётни таъминлаётган Сиз, азиз инсонни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллик байрами билан Самарқанд вилоятининг барча миллат ва дин вакиллари номидан самимий муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Мустақиллик йилларида юртимизда маънавий қадриятларнинг тикланиши ва эътиқод эркинлиги учун беқиёс имкониятлар яратиб берилди. Халқнинг хоҳиш-иродасини инобатга олиб, Рўза ва Қурбон ҳайитлари дам олиш куни деб эълон қилинди. Шу давр мобайнида фақат бизнинг вилоятдан мингдан зиёд киши ҳаж амалларини адо этдилар. Сизнинг ташаббусингиз билан Хартанг қишлоғида бунёд этилган Имом ал-Бухорий мажмуаси бутун ислом оламига машҳурў манзур бўлди.

Ўзбекистонимизда нафақат мўмин-мусулмонлар, айни чоғда бошқа динларга эътиқод қилувчилар учун ҳам қулай шароит яратилган. Жумладан, кўҳна ва навқирон Самарқандда бугунги кунда 10 га яқин конфессияга тегишли 20 дан зиёд диний жамоа эмин-эркин фаолият кўрсатмоқда.

Биз, қайси конфессия ёки жамоага мансуб бўлмайлик, жамият ривожига, халқимизнинг осуда турмушига тажовуз қилувчи оқимлар ва уларнинг бузғунчи ғояларини қоралаймиз. Барча ватандошларимизни мусаффо эътиқодимизга гард юқтирмасликка, хавф-хатардан доимо огоҳ бўлишга чақирамиз. Сизга чин қалбдан сиҳат-саломатлик, туганмас куч-ғайрат тилаб қоламиз.

**Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатаётган барча диний жамоалар вакиллари (жами 18 имзо)**

## БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎН БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси 20 августда ўз ишини давом эттирди.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сессия ишида иштирок этди.**

**Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.**

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Б.Наимов «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда «Кураш» Халқ уюшмаси спорт ва халқаро алоқалар департаментининг директори Б.Юсупов, Хоразм вилояти Урганч тумани ҳокими К.Нуниёзов, Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги «Қўрғонтепа» жамоа хўжалиги раиси С.Исмоилов иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу масала юзасидан сўзга чиқди. У давлатимиз чегарасини янада мустаҳкамлаш масалаларига батафсил тўхталиб, товарлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, ёнилғи-мойлаш материаллари, қишлоқ хўжалик ўғитлари Ўзбекистон чегараси орқали қўшни давлатларга олиб ўтилиши устидан тартиб ва назорат ўрнатиш зарурлигини таъкидлади. Парламент «Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди.

Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш қўмитаси раиси И.Кочмарик депутатларга «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини тақдим этди. «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси раисининг биринчи ўринбосари С.Турдиқулов, «Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат акциядорлик жамияти бош директори В.Кучеров, Тошкент шаҳридаги «Фонон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори М.Ашуров сўзга чиққандан сўнг депутатлар бу Қонунни қабул қилдилар.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Б.Наимов депутатларга «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини тақдим қилди. Бу қонун лойиҳасини муҳокама қилишда Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ҳокими А.Абдувосиқов ва Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги Тагоб қишлоғи фуқаролар йиғини раиси Х.Усмонова иштирок этди. Парламент «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди.

«Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раиси Х.Тошев депутатларга тақдим этди. Қонун лойиҳаси муҳокамасида Наманган вилояти Поп тумани ҳокими З.Абдуллаев, Фарғона вилояти Фурқат туманидаги «Фурқат» ширкатлар уюшмаси бошқаруви раиси М.Собиров иштирок этди. Олий Мажлис «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди.

Сўнгра Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш ҳамда суд ижрочилари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг лойиҳалари ҳақида маъруза қилди. Парламент бу қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда маъқуллади.

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Э.Воҳидов депутатларга «Туризм тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини тақдим этди. Шу масала юзасидан Тошкент Давлат шарқшунослик институти ректори Н.Иброҳимов, Урганч Давлат университети ректори А.Саъдуллаев, Самарқанд вилояти Ургут туманининг Ҳамза номидаги агрофирмаси раиси Э.Отамуродов сўзга чиқди. Олий Мажлис «Туризм тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди.

Депутатлар Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдинова маърузаси бўйича «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунни қабул қилдилар.

Сессия котибиятининг раҳбари М.Сайфитдинова депутатларга Олий Мажлиснинг ўн бешинчи сессиясига келган хатлар, бошқа мурожаатлар тўғрисида ахборот берди.

Депутатлар Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 1995-1999 йиллардаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботини тасдиқладилар, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ўринбосарини сайладилар, Марказий сайлов комиссияси аъзосини тасдиқладилар.

Парламент иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига депутатлар ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига депутатлар сайловини 1999 йил 5 декабр, якшанба куни ўтказишни белгилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови 2000 йил 9 январ, якшанба кунига белгиланди.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси шу билан ўз ишини якунлади.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

### Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 7 ва 19-моддаларига, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р  қ и л а д и:

1. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари сайлови 1999 йил 5 декабрь, якшанба кунига белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайлови бўйича битта сайлов округига сайловчилар нормаси ўртача 49,9 минг сайловчи ҳисобидан белгилаб қўйилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар учун умумий бўлган сайлов участкалари ҳамда участка сайлов комиссиялари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 8 ва 14-моддаларига мувофиқ тузилиши белгилансин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 20 август.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

### Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р  қ и л а д и:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови 2000 йил 9 январь, якшанба кунига тайинлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунида овоз бериш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов учун тузилган сайлов участкаларида участка сайлов комиссиялари томонидан ташкил этилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 20 август.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ЯПОНИЯ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

Шу йили кузда Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари ўтказилади. Миллий матбуот марказида Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси раҳбарияти иштирокида ана шу тадбирга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Сентябр ойида бошланадиган бу тадбир ўзбек халқини япон маданияти ва санъати билан таништириш ҳамда икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларни янада яхшилашга қаратилгандир. Қарийб бир ой мобайнида турли маданий муассасаларда ўзбекистонликлар учун япон мусиқаси, киноси, миллий пазандалик санъати ва халқ ҳунармандлиги намуналари намойиш этилади. Бундан ташқари, оригами, ошибана, икебана каби фақат японларгагина хос бўлган санъат асарлари кўргазмасини ташкил қилиш ҳам режалаштирилган.

- Япония маданияти кунлари Ўзбекистонда учинчи бор ўтказилади, - деди элчихона вакили Такеши Ишихара. - Бу галгиси аввалгиларига қараганда бирмунча кенг ва янада қизиқарли тарзда бўлади, деган умиддамиз. Таъкидлаш керакки, икки давлат ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашда бундай тадбирларнинг аҳамияти катта. Шу боис, бу ишда бизга кўмак бераётган Ўзбекистон ҳукуматидан жуда миннатдормиз.

(ЎзА)

*«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали олдидан*

## МУСИҚА САНЪАТИ МУШТАРАКЛИГИ

**Самарқандда «Шарқ тароналари» иккинчи халқаро мусиқа фестивали бошланишига ҳам саноқли кунлар қолди.**

Ана шу мусиқа анжумани доирасида «Шарқ халқлари мусиқа чолғулари» деб номланган халқаро илмий-ижодий конференция ўтказиш ҳам кўзда тутилган. Фестиваль ташкилий қўмитасига ҳозиргача Франция, Германия, Хитой Халқ Республикаси, Монголия, Чехия Республикаси, Туркманистон каби бир қанча давлатларнинг мусиқашунослари анжуманда иштирок этиш истагини маълум қилди.

- Дастлабки фестивалда ўтказилган халқаро конференция «Шарқ тароналари муштараклиги» деб аталганди,- дейди Ўзбекистон Бадиий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти директори О.Иброҳимов. - Унда яхлит ва умумий мавзу олинган эди. Бу галги анжуман унинг мантиқий давоми бўлиб, бирмунча аниқ мавзу асосида ўтказилади. Масалан, торли чолғулар деярли барча шарқ халқларида бор. Жумладан, қадимдан бизларда фойдаланиб келинган уд созини ҳозир арабларда ҳам, эронларда ҳам учратиш мумкин. Бутун шарқ халқларида шунга ўхшаш чолғу бор. Камонли ва уриб чалинадиган чолғу асбобларида ҳам катта ўхшашлик мавжуд.

Кўпгина чолғу асбобларининг ташқи кўринишида ҳам монандликлар бор. Бу эса шарқ халқлари мусиқаси асрлар давомида ўзаро таъсирда ривожланганини кўрсатади. Бундан ташқари мазкур чолғуларни ижро этишда ҳам муштараклик кузатилади. Айниқса, мақомлар, анъанавий асарлар ижро этилганда бу жиҳат яққол сезилиб туради. Шунинг учун ҳам илмий-ижодий конференциянинг «Шарқ халқлари мусиқа чолғулари» деб номланиши бежиз эмас.

**Б.МАНСУРОВ, (ЎзА)**

*«Пахта - 99»*

## ТЕРИМ БОШЛАНДИ

*Бу йил давлатга 315 минг тонна қимматбаҳо саноат хомашёси етказиб бериш учун астойдил меҳнат қилаётган Қорақалпоғистон Республикаси пахтакорлари теримни ҳар қачонгидан барвақт бошлаб юбордилар. Қўриқ Элликқалъа туманидаги «Қирққиз» деҳқон фермерлар уюшмасининг Султонбой Йўлдошев бошчилик қилаётган жамоа аъзолари бу ишга биринчи бўлиб киришди.*



*Тўрткўл туманининг Қизилқумга туташ хўжаликларида ҳам пахта терими уюшқоқлик билан бошлаб юборилди.*

(ЎзА)

## ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАЛАРИ

Республикамиздаги олий ўқув юртлари талабалари учун махсус ташкил этилаётган амалий машғулотлар эндиликда Ўзбекистон Фанлар академиясининг институтларида ҳам олиб борилмоқда. Янги ўқув йили давомида Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институтида ҳам бундай ўқув-тажриба ишлари кенг йўлга қўйилади.

Бунинг учун институт қатор олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик шартномасини тузди. Чунончи, машина ва механизмлар назарияси бўйича сабоқлари уюштириш юзасидан Тошкент Давлат техника университети билан келишиб олинди.

Тошкент Давлат аграр университети талабаларининг информатикага доир амалий машғулотлари учун ҳам институтда қулай шароит муҳайё этилди. Электроника ва автоматика билими бўйича эса Тошкент автомобиль йўллари транспорти институти талабаларига ёрдам берилади. Автомобилларнинг электр ва электрон асбоблари назарияси, электротехника материаллари курс машғулотлари ҳам мунтазам ўтказилади.

Шу тариқа институт Тошкентдаги ўнга яқин олий ўқув юрти билан ҳамкорликни йўлга қўйди.

*Конституциямиз яшамоқда, амал қилмоқда*

# ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ

**Тарихга назар ташласак, давлат барпо бўлиши билан унинг ўзига хос қонунлар мажмуаси вужудга келганлигини кўрамиз. Ушбу қоидаларда давлатнинг асосий тамойиллари, фуқаронинг хақ-хуқуқлари ўз аксини топган.**

Қонун ҳужжатлари жамият аъзоларининг сиёсий, ижтимоий ҳаётининг ўзига хос кўзгуси, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият мезони сифатида ҳам қимматлидир. Бинобарин, инсоннинг ҳуқуқи ва эркинликлари, бурчлари ана шу қонун ҳужжатларида тўлиқ акс этади.

Мамлакатимиз - Ўзбекистон Республикаси жўғрофий жиҳатдан ниҳоятда бой, иқлими мўътадил, барқарорлик таъминланган юрт сифатида қадимдан машҳурдир. Юртимизнинг яна бир муқаддас бойлиги борки, бу меҳнаткаш халқимиздир.

Юқорида тарих ҳақида сўз юритдик. Чиндан ҳам биргина Темур салтанати давридаги сиёсий ҳолатни кўздан кечирсак, буюк соҳибқирон бобомиз ҳақ, яъни раъият учун қанчалар жонкуяр бўлганини у тузган «Темур тузуклари»дан билиб олсак бўлади. Мустақил юртимизда ҳам халқнинг бахт-саодати, унинг тинчлиги, яратувчанлик меҳнатини кафолатлаш, ҳуқуқий эркинлигини таъминлаш, энг муҳими, қонун устуворлигини барпо қилиш борасида кўп ишлар амалга оширилди. Бу ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси - Асосий Қонунида яққол ифода этилган. Шу қонун асосида қабул қилинган қонунлар Конституциямизда кўзда тутилган олий мақсадларни ривожлантиради, мустаҳкамлайди. Яна бир муҳим жиҳат: Конституциямизнинг деярли барча моддалари халқаро нормаларга мос, уларни ривожлантиради-ган ҳолда битилган. Буни «Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар» деб аталган VII бобда ҳам очиқ-ойдин кўришимиз мумкин. Конституциянинг мазкур қоидаси инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳамда фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактларга тўла мос келади.

Ҳар бир шахс учун зарур бўлган хислатлардан бири бу виждон эркинлигидир. Конституциянинг 31-моддасида бу ҳақда шундай дейилган:

«Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбурий сингдиришга йўл қўйилмайди».

Мустақиллигимизнинг энг биринчи буюк шарофати бу ислом динига берилган эркинлик деб билмоқ керак. Зеро, ахлоқимиз, ўтмишимизнинг ўзига хос ҳуқуқий мажмуи бўлган Қуръони Каримнинг, Пайғамбаримиз Ҳадисларининг чоп этилиши Конституцияда белгиланган ҳуқуқларнинг ҳаётдаги инъикосидир. Лекин бировга, бошқа миллат вакилларига зўрлаб ислом ғоялари сингдирилмайди. Ватанимизда яшаётган оз сонли элатларнинг ҳам эътиқодига, миллий урфларига ҳурмат билан қараш айни пайтда миллатлар ўртасидаги тотувликнинг ҳам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда. Буни биз анъанавий Наврўз байрамларида яққол кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. Ушбу қонун барча миллатларнинг ҳақ-ҳуқуқларини янада қатъий белгилаётгани билан ниҳоятда муҳимдир.

Давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларда фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини таъминлаш катта аҳамият касб этади. Республикамиз Конституциясида шахснинг ҳар томонлама камолга эришиши, унинг барча ҳуқуқлари қонун билан мустаҳкамланиши қатъий тарзда белгиланган. Айни пайтда фуқароларнинг ҳам асосий қонунчиликка амал қилиши ниҳоятда муҳимдир. Ҳар бир ишнинг, ҳаракатнинг қонун устуворлиги асосида амалга оширилиши - бу адолатнинг тўла устунлигини таъминлайди. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: «...дунёда адолат қонуни мавжуд эканини ҳеч ким инкор этолмайди... Биз янги озод жамият, ҳуқуқий давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, адолат тамойилини устувор принцип сифатида эътироф этамиз. Ва ҳеч куч бизни бу йўлдан ортга қайтаролмайди».

Конституциямиз яшар экан, амал қилар экан, халқимиз бахту саодати йўлида ишлар экан, бу сўзлар ҳамиша ўз ижобатини топиб бораверади.

**А.НОРБОЕВ,**
**юридик фанлари номзоди.**

*Бу кунларга етганлар, етмаганлар бор*

## ҚАДР ТОПДИК

- Ёшим бир кам тўқсонда. Оллоҳга шукрлар бўлсинким, мустақиллик мевасини тотиб турибмиз. Мен иккинчи жаҳон уруши ногирониман. Урушдан бир қўлимдан айрилиб қайтдим. Шундай бўлишига қарамасдан пахтачиликда эллик йилдан зиёд кўплар қатори астойдил меҳнат қилдим. Ишлаган кам бўлмайди. Халқимиз меҳнаткаш. Афсуски, ўзбек шўро даврида пахта етиштириб улкан бир мамлакатни кийинтирса-да, яна туҳмат-бўхтонларга қолди. Қанчадан-қанча қирчиллама йигитларимиз «пахта иши» деб аталмиш машъум чиғириқдан ўтказилди. Ҳаттоки мени, оддий бир сувчини неча марта терговларга чақириб, яна русчалаб сўкиб, фалончининг пули қаерда деб қийнашган.

Мана, бугун ўзбекнинг елкасига офтоб тегди. Нолийдиган жойимиз йўқ. Нафақаларни ўз вақтида олиб турибмиз. Фарзандлар, невара-чеваралар бағримизда, қарилик гаштини сураяпмиз. Бундан ҳам ортиқ бахт борми? Шунинг учун ҳам биз кексалар мустақил юртимизга омонлик, қариларга иймон, ёшларга бахт, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

**Абдуҳаким МАВЛОНОВ,**
**Тошкент вилояти**

## «ЗАРАФШОН» — МУСТАҚИЛЛИК ТЕНГДОШИ

Мен фермер хўжалиги бошлиғиман. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан тадбиркорликка кенг йўл очиб берилиши биланоқ 87 гектар ерда якка тартибда ўз фаолиятимни бошлаганман..

Фермер хўжалигимиз мустақиллик тенгдоши. У ҳам истиқлолимиз каби ўсди, унди, томир отди. Йилдан-йилга олаётган даромадимиз ўсиб бормоқда. Ўтган йили жами олинган даромад 3,5 миллиондан ошган эди. Бу йил 8 миллион сўмни кўзлаб турибмиз. Олинган даромадни ишлаб чиқариш турларини кўпайтиришга ва ишчиларимизнинг моддий ва маънавий ҳаётини яхшилашга сарфлаяпмиз.

Мирзачўл шароитида деҳқончиликнинг ўзи бўлмайди. Аммо, ишлаган имконият топади. Энг муҳими, бизнинг фаолиятимизни қўллаб-қувватлаш қонун ва қарорлар билан мустаҳкамлаб қўйилган. Буёғи ўзимизга боғлиқ.

**Эркин ҲАЙИТОВ,**
**Меҳнатобод туман «Зарафшон» фермер хўжалиги раиси.**

## ЁШЛАР — ВАТАН ТАЯНЧИ

Мен техникумни тугатиб, хорижий давлатда ишлаб чиқарилган мураккаб ва қудратли техникаларда ишлашни хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Мамлакатимизда тузилган қўшма корхоналар қаторида салмоқли ўрин тутиб турган «ЎзКейсМаш» қўшма корхонасининг «Кейс» русумли тракторлари, комбайн ва пахта териш машиналарини юртимизнинг ҳар бир бурчагида учратишингиз мумкин. Шу техника бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги машина-трактор паркида салмоқли ўрин тутади. Бу йилги ғалла ўрим-йиғимида ҳам катта иш берди.

Хизмат юзасидан хориж мутахассислари билан тез-тез мулоқотда бўлиб турамиз. Айниқса, улар мустақиллик йилларида юртимизда эришилаётган муваффақиятлар ҳақида гапиришганда фахрга тўлиб кетаман. Қанчалар бахти кулган инсонлармиз. Илоҳо, бу бахт бизни асло тарк этмасин.

**Абдувоҳид ОҚМИРЗАЕВ,**
**«ЎзКейсМаш» қўшма корхонаси Жиззах вилояти бўлими ишчиси.**

## ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ АРМУҒОНЛАРИ

Янги ўқув йилининг бошланишига саноқли кунлар қолди. Ўзбекистон Мустақиллигининг саккиз йиллиги шодиёналарига уланиб кетадиган янги ўқув йили очилиши тантаналарига сўнгги тайёргарликлар олиб борилмоқда.

Умумтаълим мактаблари ўқувчилари кўпгина янги дарсликларга эга бўлдилар. Мактабларнинг бешинчи синфларига эса бир йўла ўнга яқин дарслик совға қилинди. «Адабиёт», «Математика», «Немис тили», «Рус тили», «Ватан тарихидан ҳикоялар» каби дарсликлар шулар жумласидандир.

Юқори синфлар ўқувчилари ҳам янги дарсликлардан баҳраманд бўлдилар. «Материклар ва океанлар географияси», «Зоология», «Ўзбекистон тарихи» деб номланган дарсликлар кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда замонавий ўқув дастурлари асосида чоп этилди.

## ТЎЛА УСТУНЛИКДА

Миллий терма жамоа кўрсатган ўйин футболнинг юртимизда нечоғли ривожланганининг инъикосидир. Ўтган йилнинг апрел ойида Ўзбекистон миллий терма жамоаси Бокуга меҳмон сифатида ташриф буюриб, бироз омади келмаганди. Ўйин 2:1 ҳисобида майдон эгаларининг фойдасига ҳал бўлганди. Мухлислар бундан ранжиган бўлсалар, терма жамоамиз аъзолари келгуси гал «бизнинг кўчамизда байрам бўлишини» дилларига тугиб қўйишганди. Мана кутилган дамлар ҳам етиб келди. Рақиблар яна яшил майдонда, бу гал Ўзбекистон майдонларида «бахтини» синаб кўришди. Ўйин шиддатли кечди. Озарбайжон миллий терма жамоаси вакиллари ўтган йилги натижаларни қайтариш учун, бизнинг футболчиларимиз эса мухлислари олдида яна уялиб қолмаслик учун ташаббусни қўлга олишга уриндилар. Зеро, майдон текис, тўп юмалоқ эди.

Ўйин бошидан ташаббус миллий терма жамоамизда бўлди. Мухлисларнинг қўллаб-қувватлашлари мадад бўлди. Жаъфар Ирисметов, Равшан Бозоров («Самарқанд»), Максим Шацких («Динамо», Киев)ларнинг киритган беш голига меҳмонлар битта тўп билан жавоб қайтара олдилар, холос.

Терма жамоамиз навбатдаги ўртоқлик учрашувини Хитой Халқ Республикаси футболчилари билан ўтказади.

*Фахрия*

## ҲУРРИЯТ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Мустақиллик аввало ҳар бир халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидир. Зеро, яратувчанлик даври келди. Энди шижоат ва мамнунлик ила яшаш имкони туғилди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ ҳуқуқий-демократик давлат қуриш йўлидан борилди. Биз - қонун ҳимоячилари республикамиз Конституциясига оғишмай амал қилинишини, қонунларнинг аниқ ва бир маромда ишлашини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари тўғри бажарилишининг таъминланишини, қонунлар устуворлигига эришишда бор кучимизни сафарбар этишга чоғланганмиз.

Президентимиз Қумқўрғон тумани «Камолот» жамғармаси фаолияти билан танишув чоғида: Одам ҳаётда эришган ютуқларидан қониқмаслиги, тўғрироғи, муваффақиятлардан эсанкирамасдан яшаши лозим. «Бошқалар яхши яшаяпти, мен-чи?» деган савол улар қалбини безовта қилиб туриши керак.Мана шу хислат ташаббускорликни олиб келади, деб беҳуда таъкидлаб ўтмадилар. Зеро, ташаббускор бўлмаган киши довон ошолмайди. Шу боис, мустақилликни мустаҳкамлашда ҳар бир фуқаронинг юраги ёниб туриши, элим, юртим деб яшаши шарт, деб ўйлайман.

Ўтган саккиз йил давомидаги ҳаётимиздаги ўзгаришларнинг саноғига етиб бўлмайди. Мамлакатимизда бўлгани каби вилоятимизда олиб борилаётган ободончилик ишларини бир кўрган киши ҳайрон қолиши табиийдир. Масалан, вилоят маркази аҳолиси хонадонлари юз фоиз газлаштирилди, ичимлик суви билан тўлиқ таъминланди. Ўзимизнинг соҳага келсак, қонун устуворлиги таъминланиб, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик йилдан йилга камайиб бораяпти. Кўзбўямачилик, қаллоблик, эл-юрт ризқини талон-тарож қилиш, фуқаролар ҳуқуқининг камситилишига барҳам берилмоқда.

Ватанимиз истиқболи, фарзандлар келажаги ҳақида қайғуриш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир. Ҳуррият имкониятларидан тўғри фойдаланиб, ёшларимизнинг бизлардан ҳам кучли, ўқимишли бўлиши учун кўп ишлар амалга оширилаяпти. Чунончи, маънавий баркамол авлодни voяга етказиш, уларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ўстириш, ҳуқуқбузарлик ва жиноят йўлларига кириб кетмаслиги учун барча чора-тадбирларни қўллашга ҳаракат қилаяпмиз.

Ватанпарварлик ва миллий ғурур катта маънога эга бўлган буюк туйғудир.

**Қ.МАМЕДОВ,**
**прокурор.**

### УЛАР АМЕРИКАДА ЎҚИШАДИ

Бу сафар ҳам ўзбекистонлик иқтидорли ўқувчилар Америка Қўшма Штатларида ўқишни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Махсус танловлардан муваффақиятли ўтган эллик нафар толиби илм куни кеча Америкага жўнаб кетди.

Халқаро Америка АКСЕЛС мактаб дастури бўйича XI синфда ўқишни давом эттирадиган бу ёшлар шу дастур рамзи туширилган ўқувчилар кийимида янги ўқув йилини бошлаб юборадилар.

Америкача таълимни эгаллаш учун отланган толиби илмлар орасида республикамизнинг деярли барча вилоятлари мактабларида таҳсил олган ўғил-қизларни учратиш мумкин. Биргина Олмалиқ шаҳридаги 16-ўрта мактабнинг икки ўқувчиси - А.Абсаломова билан Д.Чориевларга ҳам Америкада ўқиш насиб этди.

### ИНСТИТУТ ОТАЛИҒИДА

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси институтида фанга меҳр қўйган ўнлаб зукко илм заҳматкашлари меҳнат қилишади. Ишқорлару заҳарлар, дори-дармон гиёҳлар, ўсимликка қувват берувчи сунъий ўғитлар шу масканда синовдан ўтказилади.

Институтнинг республикамиздаги олий ўқув юртлари ҳамда мактаблар билан алоқалари яхши йўлга қўйилган. Бундай илм даргоҳларидан айримлари билан ҳамкорлик шартномалари тузилган.

Янги турдаги ўқув юртларидан биттаси эса кимёгар олимлар оталиғида. Янги ўқув йилида Тошкентдаги 50-мактаб-гимназиясига оталиқ ёрдами кучайтирилади. Бу билим даргоҳининг юқори синф ўқувчилари кимёбиология йўналиши бўйича ўқув машғулотларини институт лабораторияларидан бирида ташкил этиш кўзда тутилди.

### КОЛЛЕЖ 70 ЁШДА

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш борасида Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан ҳам маърифий тадбирлар кўрилмоқда. Агентликка қарашли Тошкент Алоқа коллежида янги йил арафасида юз берган қатор янгиликлар ҳам буни исботлаб турибди.

Ўзбекистон Мустақиллигининг саккиз йиллигига қизғин тайёргарлик ишларини олиб бораётган бу янги турдаги ўқув юрти биринчи сентябрга тахт қилиб қўйилди. Коллеж педагогик жамоаси бўлажак касб эгаларининг пухта билим олиши билан боғлиқ қатор режаларни амалга оширди.

Янги ўқув йилида у бир нечта телекоммуникацион ўқув жиҳозларига эга бўлган ҳолда ёшларга билим беради.

Ҳозир бу ерда коллежнинг 70 йиллигига ҳам тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Шу сана муносабати билан ўқув даргоҳининг босиб ўтган йўли тўғрисида ҳикоя қилувчи катта стенд ташкил этишга киришилди.



Венгрия

## OLAMDA NIMA GAP

**ПРЕТОРИЯ. Ангола ҳукумати Жанубий Африка тараққиёти ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар раҳбарларига мурожаат қилиб, УНИТА исёнчиларига қарши курашишга ёрдам беришни сўради.**

**Ангола президенти Эдуард Душ Сантуш ҳамжамиятга аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг Мозамбикда бўлиб ўтган учрашувида бу ҳақда маълум қилиб, мамлакатдаги вазият ҳақида ҳисобот берди. Унинг айтишича, Ангола ҳукумати УНИТА қўзғолончиларига қарши курашда кўпроқ ҳарбий эмас, моддий ёрдамга муҳтож.**

* * *

**НЬЮ-ЙОРК.** *Косово муваққат кенгашининг навбатдаги мажлиси 21 август куни бўлади. БМТнинг ушбу кенгаш бўйича Косоводаги миссияси раҳбари Бернар Кушнер ўлкадаги сиёсий ва этник гуруҳлар вакиллари билан бу ҳақда келишувга эришди. БМТ расмий вакилининг айтишича, унда косоволик албанлар раҳбарлари Иброҳим Ругова ва Ҳошим Тачи ҳам иштирок этиши лозим.*

*Бўлажак мажлисда Косовода кафолатланган тинчликни қарор топтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади. Кенгашнинг биринчи мажлиси 16 июлда ўтказилган эди. Бироқ унда ўлкадаги айрим сиёсий гуруҳ вакиллари иштирок этмаганди.*

* * *

**НАЙРОБИ. Нигерия ҳукумати мамлакат қуролли кучларини қарийб икки баробарга қисқартиришни режалаштирмоқда. Мудофаа вазири Теофилус Данжума бу ҳақда баёнот бериб, ҳарбийлар сони 80 мингдан 50 мингга туширилиши мумкинлигини маълум қилди.**

**Мамлакат қуролли кучларини такомиллаштириш, юқори савияли армияга эга бўлиш, айрим ҳарбий қисмларни тубдан қайта ташкил қилиш борасида қилинажак ишлар шундай иш тутишга мажбур қилмоқда, деди Т.Данжума. Шунингдек, айни пайтда мамлакат армияси учун давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларни қисқартириш зарурати ҳам туғилмоқда.**

* * *

**НИКОСИЯ.** *Бир неча кун илгари Туркияда бўлиб ўтган зилзила бутун халқаро ҳамжамиятни ташвишга солди. Дунё мамлакатлари Туркия халқига ҳамдардлик билдириб, инсонпарварлик ёрдамлари жўнатмоқда.*

*Кипр президенти Глафкос Клиридис ҳам Туркия президенти Сулаймон Демирэлга шошилинчнома йўллаб, у орқали зилзиладан қурбон бўлганлар оила аъзолари ҳамда яқинларига ҳамдардлик изҳор қилди. Шунингдек, у Кипр Халқаро қизил хоч орқали Туркияга дори-дармон ва бошқа турдаги инсонпарварлик ёрдами жўнатишга тайёрлигини маълум қилди.*

* * *

**ВАШИНГТОН. Халқаро валюта жамғармаси билан Украина делегацияси ўртасида бўлиб ўтган музокаралар муваффақиятли якунланди. ХВЖ Украинага навбатдаги қарзни ажратиши кутилмоқда.**

**Маълумотларга қараганда, музокараларда Украинага 180 миллион АҚШ доллари миқдоридаги навбатдаги қарзни бериш масаласи муҳокама қилинган. Украина жорий йилнинг июнида ҳам ХВЖдан 115 миллион доллар миқдорида қарз олган эди.**

(ЎзА)

*Шарҳловчи минбари*

## ИЕН ҚАЧОН БАРҚАРОРЛАШАДИ?

Япония парламентининг молиявий масалалар бўйича қўмитаси вакиллари мамлакат миллий валютаси - иенни иложи борича тезроқ деноминация қилиш зарурлиги тўғрисидаги баёнотни эълон қилди. Унда айтилишича, иен 100:1 нисбатда алмаштирилиши ҳамда янги валютанинг қиймати АҚШ доллари ва еврога тенглаштирилиши зарур. Қўмита вакиллари деноминация жараёнини 2002 йилнинг 1 январидан бошлашни таклиф қилди.

Деноминация, одатда, иқтисодий жиҳатдан қийин аҳволда қолган ва миллий валютаси ҳаддан ташқари қадрсизланиб кетган давлатларга хос тадбирдир. Аммо кунчиқар мамлакатнинг иқтисодий аҳволини ҳисобга оладиган бўлсак, япон иқтисодчиларининг миллий валютани деноминация қилишга тайёргарлик кўриши бироз ажабланарли бўлиб туюлиши мумкин. Бироқ масаланинг баъзи жиҳатларини ўрганиб, мамлакатнинг ҳозирги кундаги аҳволини кўздан кечиргач,деноминация баъзи пайтларда иқтисодий жиҳатдан анча мустаҳкам давлатларга ҳам фойда келтириши мумкинлигини кўриш мумкин бўлади.

Ҳозирги кунда Япония иқтисодий кўрсаткичлари жиҳатдан АҚШдан сўнг иккинчи ўринда туради. Аммо шунга қарамай, япон валютасининг аҳамияти ва таъсир доираси бошқа валюталар,жумладан, АҚШ доллари, немис маркаси ҳамда еврога нисбатан анча тор. Қолаверса, иеннинг дунё валюта захирасидаги улуши ҳам анча кам. Хусусан, жаҳон иқтисодий тизимидаги валюта захирасининг 13,6 фоизини немис маркаси ташкил этса, иен ҳиссасига унинг атиги 6 фоизи тўғри келади. Бундан ташқари, жорий йилда Европа Иттифоқи давлатлари томонидан амалга киритилган евро ҳам иенга таъсир қилиши мумкин. Чунки евро амалга киритилмасидан аввал ҳам иеннинг халқаро тўлов воситалари орасидаги ўрни анча пасайиб улгурган эди.

Японларни деноминация ҳақида ўйлашга мажбур қилган омиллардан бири иен курсининг 1997 йилда Жанубишарқий Осиёдаги молиявий инқироздан сўнг барқарорлаша олмаётганидир. Агар икки йил муқаддам иеннинг қиймати ҳаддан ташқари тушиб кетган бўлса,жорий йилда унинг қиймати мунтазам равишда кўтарилиб бормоқда.Миллий валютанинг беқарорлиги Япония корхоналарига жуда катта молиявий зарар келтирмоқда. Бу эса ўз навбатида икки йил муқаддам Япониядан чиқиб кетган чет эл сармоясининг қайтиб келиши йўлидаги энг катта тўсиқлардан бирига айланиб қолди.

Юқоридаги маълумотлар Япониянинг умумий аҳволи ёмон бўлмаса ҳам, мамлакат иқтисодиётига деноминация зарур бўлиб қолганидан далолат бериб турибди. Аммо бу фикрга қарши чиқаётганлар ҳам йўқ эмас. Уларнинг фикрича, деноминация экспортга ихтисослашган корхоналарга жуда катта зарар етказади. Чунки жаҳон бозорида ўзининг сифати ва арзонлиги билан шуҳрат қозонган япон маҳсулотларининг нархи кескин кўтарилиб кетади.

Бунга қарши деноминация тарафдорлари бу жараён мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз, деган фикрни билдирмоқда. Уларнинг айтишича, агар иеннинг деноминацияси амалга оширилса, биринчидан, япон миллий валютасининг жаҳон иқтисодий тизимида тутган ўрни юксалади, иеннинг «байналмилаллашуви» рўй беради. Бу валюта ҳамда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларининг жаҳон бозоридаги ўрнини янада мустаҳкамлайди.Қолаверса, ҳисоб-китоб ҳамда пул айланиш жараёни ҳам осонлашади.

Учинчидан, иен барқарорлашади. Мамлакатдаги молиявий тузилмаларнинг имкониятлари кенгаяди, сармоя экспорт қилиш йўлидаги тўсиқлар йўқолади.

Хуллас, ҳозирча баҳс давом этмоқда. Япония ҳукумати қандай қарорга келади ва унинг бўлажак қарори қандай натижалар беради, омон бўлсак кўрамиз.

**Бобур СОБИРОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

## Мустақиллик нашидаси

**Доимо каёққадир шошиб юрадиган, Ўзбекистон давлат халқ ва рақс ансамблининг бош балетмейстери, Ўзбекистон халқ артисти Қодиржон Мўминовнинг иш куни соатма-соат тақсимлаб чиқилган. Эрталабдан классика - мажбурий машқ, ундан сўнг репетиция, буларнинг орасида эса ташкилий ишлар. Яқинда Мустақиллик куни нишонланади. Ишнинг эса охири кўринмайди. Саҳналаштириш, қайта-қайта машқ қилиш, барчасини концерт дастури доирасида бирлаштириш керак. Бунинг устига вилоятлардан келаётган кўплаб шогирдлар ва издошларга йўл-йўриқ сўрашади. Шундай бўлса-да, машҳур балетмейстер суҳбат учун вақт ажратди.**

# ТЎЙГА ТАЙЁРГАРЛИК КАТТА

### дейди Ўзбекистон халқ артисти Қодиржон Мўминов.

**- Қодир ака, қандай қилиб балетмейстер бўлгансиз?**

- Болалигимдан артист бўлишни орзу қилганман. Орзуимнинг ушалишида онамнинг ҳиссаси катта. Унинг қўллаб-қувватлаши билан кашшофлар уйининг рақс тўгараги иштирокчиси, ўзбек хореография билим юрти талабаси ва Москвадаги театр санъати институтининг балетмейстерлик бўлими битирувчисигача бўлган йўлни босиб ўтганман. Энг муҳими, шу давр ва бутун артистлик фаолиятим мобайнида рақс бўйича илк устозим Р.Галямованинг қуйидаги сўзлари менга ҳамроҳ бўлди: «Санъат қурбонлик талаб этади. Бу муҳаббат, тўлиқ фидокорлик, ишдаги жонбозликдир». Шукурки, менинг устозларим ўша даврда Ўзбекистондаги энг машҳур балетмейстерлар И.Проценко, Г.Ижицкий, Р.Хўжасаидовалар бўлган. Улар менга рақс санъатини, мумтоз мусиқага нисбатан муҳаббат туйғуларини сингдирганлар. Лекин санъатга қаноат тушунчаси бегона. Ҳозир ҳам изланишдаман. Чунки бусиз рақс устаси ва балетмейстер бўлишнинг иложи йўқ.

**- Профессионал саҳнадаги устозларингиз ва мураббийларингиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.**

- Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, «Шодлик» давлат ашула ва рақс ансамбли балетмейстери Акбар Мўминов мени бирданига ансамбл репетитори қилиб ишга олганида ўзим ҳам ҳайрон қолгандим. Мен у кишидан рақс тушиш усулини, ишга муносабатни ўрганганман.

Рақс устаси ва балетмейтсер сифатида шаклланишимда марҳум Ўзбекистон халқ артистлари Исохор Оқилов ва Мукаррама Турғунбоеваларнинг хизматлари буюк. Улардан кўп нарсани - фикрлаш, ишлаш, ўзимга ва атрофимдаги одамларга нисбатан талабчан бўлишни ўрганганман. Мукаррама опа билан бир тасодиф туфайли - «Тўй таронаси» сюитасини саҳналаштириш пайтида яқиндан танишиб қолгандик. Ушбу номерни репетиция қилиш ишларини Мукаррама опа менга топширдилар. Бу билан рақснинг ансамбл репертуарида узоқроқ вақт сақланиб қолишини хоҳлаган бўлсалар ажаб эмас.

**- Миллий олий рақс мактаби ҳамда А.Қодирий номли маданият институтида балетмейстерлар, кўплаб раққосалар ҳам рақсларни саҳналаштиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бунга муносабатингиз?**

- Рақс саҳналаштириш қийин, бу ҳамманинг ҳам қўлидан келадиган иш эмас. Ҳозир юридик ҳуқуққа эга бўлмаган «балетмейстерлар» ҳам пайдо бўлган. Менимча, балетмейстерлик истеъдоди ҳар кимга ҳам берилавермайди? Баъзан буни жўн тушунувчилар ҳам топилиб қолади. Афсуски, бу турдаги «балетмейстер»лар кўпайиб бормоқда. Бундан эса энг аввало, рақс санъати ва ҳақиқий балетмейстерлар зарар кўрмоқда, рақсларимиз эса тобора бир-бирига ўхшаш ва маъносиз бўлиб, ўзбек миллий рақс анъаналарига путур етмоқда. Гап шундаки, балетмейстерлик ҳам касб, ҳам истеъдоддир. Илгари республикамизда иккита балетмейстер бўлган: М.Турғунбоева ва И.Оқилов. Уларнинг қўлидан ҳамма нарса келарди - байрам тантаналари, оммавий рақслар саҳналаштириш бари юксак даражада амалга оширилар эди. Санъатимизнинг машҳур арбоблари Муҳиддин Қори - Ёқубов, Тамарахоним, Уста Олим Комиловларни эслайлик. Улар Туркистон халқлари усуллари ҳақидаги материалларни битта-битталаб йиққанлар, маҳаллий урф-одат ва анъаналар, рақслар, ашулалар билан танишганлар, Ўзбекистон миллий рақс санъати ривожи учун асос яратганлар. Улар бизларни, ёш балетмейстерларни тўплаб, ишимиз ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини очиқ-ойдин баён қилар, ва кўп йўл-йўриқлар кўрсатардилар. Бизнинг ишимиз хом ёки нотўғри йўналишда бўлса, очиқ гапирар эдилар.

**- Ҳозирги концерт дастурлари ва унинг ёш авлоднинг эстетик тарбиясига таъсири ҳақидаги мулоҳазаларингизни билдирсангиз.**

- Ҳозирги пайтда концертларда раққосанинг хонанда билан бирга чиқиши одат тусига кириб қолган. Бу концерт вақтини тежашга имкон беради, раққосани ҳам, ашулачини ҳам ўз санъатини кўрсатишига шароит яратади. Менимча, шу сабабли рақс санъати иккинчи даражалидек қабул қилинмоқда.

Эслаб кўринг, илгарилари нуфузли концертлар Қ.Дўстмуҳамедова, М.Эргашева, М.Аҳмедова ва бошқа яккахон раққосаларсиз ўтмас эди. Халқининг эътибори ва қўллаб-қувватлаши туфайли улар ҳақиқий раққоса бўлиб шаклландилар. Мен якка рақс ижрочилари керак эмас деган фикрга қўшилмайман. Сўнгги ўн йил ичида мен раққосалардан Р.Султонова, Г.Низомова ва Г.Шириновани алоҳида қайд этиб ўтишни истар эдим.

Ким энди М.Турғунбоева сингари латофат ва маҳорат билан «Тановар» ёки «Муножотни» ижро эта олади?

Менимча, ўсиб келаётган раққос ва раққосалар ўз устиларида тинимсиз изланиб, ҳар бир ҳаракатга ўзгача жозиба билан ёндошсалар, рақс санъатининг келажагидан умид катта.

Сўнгги пайтларда ашулачилар ва раққосаларнинг арабча ва туркча куйларга қизиқиши ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак. Шуни айтиш жоизки, ўзимга ҳам бундай куйлар ёқади. Аммо аввало, ўз халқимизнинг куй ва рақсларини ижро этишни ўрганиш, кейин эса бошқа халқларнинг санъатига мурожаат қилиш керак.

**- Сиз барча байрамларимиздаги оммавий рақсларнинг саҳналаштирувчисисиз... Бу қийин эмасми?**

- Дарҳақиқат, 1992 йилдан буён ҳар йили Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ш.Аҳмедов билан бирга Мустақиллик куни ва Наврўзга атаб хореографик чиқишлар тайёрлаймиз. Бундай байрамларга атаб А.Орипов, Х.Даврон ва бошқа муаллифлар томонидан махсус сценарийлар ёзилади. Шу асосда байрам тантаналари режиссёри Р.Ҳамидов бошчилигида хореографик ҳаракатларни ўйлаймиз, маслаҳатлашамиз, баҳслашамиз, бир фикрга келгач, ишни бошлаймиз. Ўтган йили Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достони асосида жуда қизиқарли томоша тайёрланган эди. Биз катта хореографик асар яратдик. Бу ишга кўп сонли балетмейстерларни, чунончи, В.Оқилова, Д.Жабборова, Г.Матёқубова, К.Узоқова ва бошқа мутахассисларни жалб этдик.

Бу йили режиссёрларимиз таклифига кўра «Хотира» деб номланган катта ишга қўл урдик. Унда юртимиз мустақиллиги учун ўз жонини фидо қилганлар хотирасини улуғламоқчимиз.

**Ҳакима ИМОНҚУЛОВА,**
**журналист.**



Норқул ака Раббимовни Нуротада уста-дурадгор сифатида кўпчилик танийди, ҳурмат қилади. Мана, 45 йилдирки, уста тиниб-тинчимайди. Мусиқа асбобларидан тортиб бешиккача ясайди. Унинг кўплаб шогирдлари бор. Айни пайтда улар ҳам устоз ишларини давом эттиришмоқда.

**Суратда: Уста Норқул Раббимов**

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.**

## ЮЗ ЙИЛ ЯШАШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

- Уйғонгач ўрнингизда узоқ чўзилиб ётманг. Узоқ умр кўрганларнинг кўпчилиги барвақт ўриндан туришни одат қилишган.
- Кўп овқат еманг. Семизлик умрни қисқартиради.
- Келажакка умид билан қаранг.
- Иложи борича кам дори ичинг.
- Соғлиғингиз ҳақида кўп ўйламанг.
- Тамаки чекманг. Ундан узоқроқ юринг.
- Бирон нарсага қизиқишингиз (хобби) бўлсин.
- Суюқ нарсаларни кўп истеъмол қилинг, айниқса сувни.
- Ҳар куни банан енг, у олмадан ҳам фойдалироқдир.
- Ҳаётдан лаззат олиб яшанг.
- Чарчоқни ёки ёмон кайфиятни йўқотиш учун ярим соатлик ванна қабул қилинг.

**Б. ТУРҒУНОВ тайёрлади.**

## Ғаройиб олам

### ФРАНЦУЗ ВАТАНПАРВАРЛАРИ

Сайёҳлар билан тирбанд Франция шаҳарчаларининг бирида ғалати воқеа бўлиб ўтди. Шаҳар мэри Англиядан келган сайёҳларнинг пичингларига чидаб тура олмади. Инглизлар кулгисига шаҳар марказий кўчаларидан бирининг номи сабаб бўлганди. Кўча Гей Люссак номи билан аталади. Гей сўзи инглизчадан наримода маъносини ҳам беради. Бетакаллуф сайёҳлар Гей Люссак ўтган асрда яшаб ўтган машҳур физик эканлигини қаердан билишсин. Меҳмонлар кўча номини ўқишаркан бир-бирларига ишора қилганча роса мириқиб кулишди. Бу таҳқирларга чидаб тура олмаган шаҳар мэри келгусида шундай таҳқирлар такрорланмаслиги учун Гей Люссакни Ньютон номи билан ўзгартиришга қарор қилади.

### АВСТРАЛИЯЛИКЛАР БИРИНЧИ

Австралияликлар югуриш бўйича уларга тенг келадиган кам эканлигини яна бир бор исботлашди. Шу билан 22 бор Нью-Йоркдаги осмонўпар «Эмайер стейт билдинг» тепасига зинапоядан югуриб чиқиш бўйича мусобақа ўтказилди ва 22 бор ҳам ғолибликни австралиялик енгил атлетикачилар қўлга киритишди.

Канберрида истиқомат қилувчи Пол Крейк 1576та зинани, яъни 86 қаватгача бўлган масофани 10 дақиқаю 15 лаҳзада босиб ўтди. Бу ҳақиқатда рекорд кўрсатгич. Бу билан Крейк ўтган йили ўз ватандоши ўрнатган рекордни бир дақиқаю 45 лаҳзага камайтирган.

Аёллар ўртасида ҳам австралияликларга тенг келадигани топилмайди. Бунда ғалабани Анжелла Жион қўлга киритди. Бундай қараганда бешинчи қитъа спортчиларининг Нью-Йорк осмонўпарларини забт этишлари ўзига хос анъанага айланганга ўхшайди.

### ОМАД ЮРИШМАГАЧ...

Америкалик бир менежер кўққисдан нақд омадсизлик гирдобига тушиб қолди. У олдинига биржада қатнашиб бир неча минг долларга тушди. Кетган пулларини казинода ўйнаб қайтариб олишга қарор қилди. Мижозларидан тушган барча пулларни тикиб бирданига маблағини кўпайтириб олмоқчи эди, аммо яна бахти чопмади. Шундан сўнг у отчопарга йўл олди. У пул қўйган чавандоз иккинчи даврадан сўнг пойгани тарк этади. Кайфияти тушган менежер биржага қайтади ва бу ерда ҳам қандайдир бир операцияда иштирок этиб, сўнгги пулларидан ҳам айрилади. Тушкунлик ботқоғида қолган менежер охири ўз жонига қасд қилишни танлади. Автомобил газидан бўғилиб ўлмоқчи эди, қаранг, шу ерда ҳам омади чопмади, машина мотори ўчиб қолди. Унинг иккинчи бор суиқасд қилиши эса полиция томонидан назоратга олинади.

## БОШҚОТИРМА



**Ёйлар бўйича ўнгга**: 19. Кичик колибрли автоматик тезотар ҳарбий қурол. 20. АҚШнинг жанубий ҳудудидаги штат. 21. Жиззах вилоятидаги туман. 22. Ер юзининг Шимолий қутб теварагини ташкил этувчи ҳудуд. 23. Циркда мураккаб гимнастика машқларини моҳирлик билан ижро этувчи санъаткор. 24. Самарқанд вилоятидаги шаҳар.

**Ёйлар бўйича чапга:** 19. Болгариядаги шаҳар, маъмурий ҳудудий марказ. 20. Енгил саноат моллари ишлаб чиқарувчи корхона. 21. Оврўпа қитъасидаги ярим оролга номдош тоғ. 22. Жанубий Америкадаги чўл ҳудуди. 23. Зотли чопқир от. 24. Безак буюмлар тайёрлаш ва саноатда ишлатиладиган оч кул ранг, қийин эрийдиган қимматбаҳо металл.

**Айланалар бўйича «занжир» ҳолида:** 1. Сирти ўсимлик, қор ва тош билан қопланган тоғ тизмаси. 2. Шеър ўлчови. 3. Ғарбий ярим шар Шимолидаги мамлакатдаги маъмурий маркази Карсон-Сити шаҳри бўлган штат. 4. Мусиқа асари тури. 5. Вест - Индиядаги орол. 6. Игна баргли доим яшил дарахт. 7. Жазоирдаги бандаргоҳ шаҳар. 8. Оналар қўшиғи. 9. Фосфат ўғитлар ишлаб чиқаришда ишлатиладиган маъдан. 10. Кишининг нарсаларга нисбатан намоён бўладиган мижози. 11. Кундалик рўзғор жиҳозлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўкондор. 12. Кўнгилочар ўйин тури. 13. Мусиқа санъати асари. 14. Ёпиқ эгри чизиқ, геометрик шакл. 15. Ғалла экини тури. 16. Қон томирларидан бири. 17. Африка қитъасидаги давлат пойтахти. 18.Суюқ таом тури.

**МУАММОНОМА.**

*Жавоблар асосида қўйидаги рақамлар жуфтини (биринчиси сўз, иккинчиси эса ҳарф тартибини англатади) мос ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг.*

21-1; 24-6; 20-6; 12-2; 22-3; 1-1; 21-2; 2-1; 24-2; 10-1; 3-4; 14-5; 19-1; 4-1; 6-2; 3-3; 5-3; 15-2; 3-3; 7-1.

24-5; 21-4; 21-5; 11-5; 14-5; 19-1; 8-1; 16-3; 3-3; 9-1; 17-4; 20-6; 20-5; 23-2.

Ундан ҳикматли сўзлар ҳосил бўлади.

**Фозилжон ОРИПОВ.**

**Газетамизнинг № 112 сонидаги бошқотирма жавоблари.**

**Бўйига:** 1. Манила. 2.Иморат. 3. Парана. 4.Понсад. 7.»Ватанпарвар». 9.»Маҳабҳарата». 13.Барибал. 14.Қорағат. 15.Обаки. 16. Ғурур. 22.Фурқат. 24.Евклид. 25.Раввин. 26.Чўлпон.

**Энига:** 5.Алабама. 6.Сардоба. 8.Арсенал. 10.Салла. 11.Сазан. 12.Отбоқар. 17.Индаба. 18.Духоба. 19.Зирак. 20.Малика. 21.Ғумбак. 23.Селитра. 27.Тасуж. 28.Нўхта. 29.Окинава. 30.Апатрид. 31.Дисконт.

## Ёз - ўтмоқда соз

### БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ

*Тошкент шаҳрининг шинам, баҳаво гўшаси Акмал Икромов боғида «Тошшаҳарйўловчитранс» ассоциациясига қарашли «Трамвайчи» соғломлаштириш мажмуи жойлашган. Ён-верлари асосан баланд дарахтлар ҳамда боғлар билан бурканган бу мажмуада ҳар мавсумда тармоқ ходимларининг 400 га яқин фарзандлари мириқиб ҳордиқ чиқармоқдалар.*

*Бу ерда 10 та гуруҳ мавжуд бўлиб, етакчи ва тарбиячилар ёшларнинг бўш вақтларини унумли ва мазмунли ўтказишга эришмоқдалар.*

*- Соғломлаштириш мажмуамизда болажонлар зерикиб қолмайдилар. Ўтказаётган тадбирларимиз, овқатланиш ҳамда шарт-шароитларимиздан барча мамнун, - дейди оромгоҳ директори Лола Абдулазизова. - Масканимиз қурилганига анча вақт бўлганлигига қарамай, керакли таъмир ишлари ҳамда санитария ва гигиена масалалари доимо эътиборда бўлади.*

*Светлана Карчевникова, Наргиза Мусурмонқулова, Олга Сидоренко, Екатерина Кременцова, Зулайҳо Ҳасанова каби тарбиячиларимиз ўз ишларининг фидойилари.*

*Бу ерда яйраб ўз соғлиқларини тиклаётган болажонлар ҳар куни режа асосида барча машғулот ва тадбирларда иштиёқ билан қатнашадилар. Чунки, мажмуада ўз касбининг фидойилари хизмат қилишмоқда.*

**Ҳ. ҚОДИРОВ.**

## Мунажжимлар башорати

**(23 августдан 29 августгача)**

- **ҚЎЙ** — Ушбу ҳафта муаммолари осонгина ҳал бўлсин десангиз, ҳар бир ишга ҳаққоний, ҳалол ёндошинг. Ҳафта ўртасида ғирромликка йўл қўйманг. Танишларингиз билан учрашувлар кутилмоқда.
- **БУЗОҚ** — Ҳафтанинг дастлабки кунлари ташаббусларни йиғиштириб қўйишингизга тўғри келади. Кучларингизни тўғри тақсимлашга ҳаракат қилинг, низо ва баҳсларга муккадан кетмай, соғлиғингизни асранг. Ҳар ким «экканини олишини» унутманг.
- **ЭГИЗАКЛАР** — Ушбу ҳафтада юксак даражадаги фаоллигингиз натижасида куч ва ҳисларингиз, айни пайтда асабларингиз сарф бўлади.

Ушбу кунларда иш доирасида янги ҳамкорлик ришталарини ўрнатишингиз мумкин. Яқинлар ва қариндош уруғлар, айниқса, фарзанд ва дўстларингиз билан учрашув ва сафарларга бой бўлади.

- **ҚИСҚИЧБАҚА** — Ҳамкорлар билан иш юзасидан бўлган муносабатларга узоқни кўра билмаслигингиз путур етказиши мумкин. Яқин дўстларингиз, ҳамкасбларингиз билан бўлган муносабатларда кўнгил қолишидан сақланинг. Дам олиш кунлари ҳордиқ чиқариш, куч-қувват тиклаш учун айни муддао бўлади.
- **АРСЛОН** — Ушбу кунларда кучингизни мужассамлаб, ҳамма ишларингизни бажаришингиз мумкин. Бунда ҳамкорлик муносабатлари, алоқалар, молиявий масалалар, келишув ва битимлар намоён бўлади.
- **ПАРИЗОД** — Оилангиз моддий аҳволини яхшилашда муваффақиятларга эришасиз, барча ишлардан ҳам кўпроқ кўчмас мулк, олди-сотди масалалари омадлироқ бўлиши кутилмоқда.
- **ТАРОЗУ** — Ҳафтанинг дастлабки икки-уч кунларида ишларингиз ўнгидан келмаса, сабабини ўзингиздан изланг. Бошқа кунлар эса бароридан келиши кутилмоқда, айниқса, бу ижод билан шуғулланувчилар, сафарлар ва учрашувлар борасида юз бериши аниқ.
- **ЧАЁН** — Душанба, чоршанба ва жума кунлари ҳар бир ишда «етти ўлчаб бир кес» деган мақолга риоя қилинг. Таваккалчиликдан ўзингизни тутинг. Ҳафтанинг бошқа кунлари омадли келади.
- **ЎҚОТАР** — Ушбу кунларда «борига барака» қилиб, катта ютуқлар кетидан бекорга интилманг. Хизматингиздаги ва уйингиздаги икир-чикир ишларни муваффақиятли тугатасиз.
- **ТОҒ ЭЧКИСИ** — Ҳафта кўплар учун номутаносиб келади. Бироқ биринчи навбатда моддий жабҳалар жиддий талофатга учраши мумкин. Дам олиш кунлари ҳордиқ чиқариш, сафарлар, учрашувлар ила ўтиб, куч-қувватингизга барака келтиради.
- **ҚОВҒА** — Ушбу кунларда қабул қилган хулосаларингизни ўзгартиришга ҳаракат қилинг. Бу айниқса, молиявий ва касб билан боғлиқ масалаларга тааллуқлидир.
- **БАЛИҚ** — Ҳафтанинг биринчи ярми мураккаб келиши кутилмоқда. Сўнгги хулосаларни қабул қилаётганингизда асосан моддий томонларга берилмай, узоқни ҳам кўзланг.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди 22.00

Буюртма Г— 0648. 1 2 3 4 5 6